



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 5 июнь, № 113 (4776)

Жума

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди.



— Саудия Арабистони — улкан салоҳиятга эга давлат, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон Саудия Арабистони билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда. Жумладан, Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этган Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг 2007 йил Тошкентда ўтган мажлисида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йиғирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800

миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя жалб қилишга келишилган эди. Бу лойиҳаларда Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармасининг иштироки салмоқли бўлади.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга оид битимлар амал қилмоқда. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мунтазам равишда ўз мажлисларини ўтказиб туради. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. 2009 йилнинг апрелида ҳаво транспорт катнови тўғрисида ҳукуматлараро битим қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги

муносабатлар Ислам конференцияси ташкилоти ва Ислам тараққиёт банки доирасида ҳам изчил ривожланмоқда.

Саудия Арабистонида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асари араб тилида нашр этилган. Саудия Арабистонида ислом меросини бойитган, ислом маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар юрти сифатида ҳам катта эътиром билан қарайди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам Саудия Арабистони

нида катта мамнуният билан қабул қилинди. Шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро тадбирларда Саудия Арабистони вакиллари фаол иштирок этдилар.

2006 йилда Подшоҳ Файсал номидаги халқаро илмий тадқиқот марказида «Хоразм Маъмур академияси ва унинг жаҳон илм-фани ривожига тўтган ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Хоразм Маъмур академияси билан мазкур марказ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Саудия Арабистони фольклор дасталари Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқа-

ро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони молия муассасалари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга катта қизиқиш билан қарагини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА). Сарвар ЎРМОҢОВ олган суратлар.

КРЕДИТ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди.

Мулоқот ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кен-

гайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атофлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафнинг «Олот» насос станциясини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

(ЎзА).

Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида «Қўли гулдир ўзбек аёли» деб номланган кўргазма-савдо иш бошлади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирда миллий хунармандчилик, фермерлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган 100 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этмоқда.

Касаначилик:

АМАЛИЁТ ВА САМАРА

Экспозициядан жой олган маҳсулотлар, чиндан ҳам, бугун опа-сингилларимиз орасида кўли гул хунарманд, ижодкор тадбиркор хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан далолат бериб турибди. Бинобарин, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини боис турмушимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш истагида фаолият бошлаган ишбилармон аёллар сафи янада кенгайди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Кўргазма

қилмоқда. — Бизнинг хусусий фирмада миллий ва замонавий услубда тикилган аёллар либослари ва безак буюмлари ишлаб чиқарилади, — дейди нуқуллик тадбиркор, «Райхон» хусусий фирмаси раҳбари Норгул Нагметова. — Бундан уч йил аввал банкдан имтиёзли кредит олиб,

6 нафар ишчи билан фаолият бошлаган эдик. Бугунги кунга келиб, корхонамиз цехлари олтинга, ишчи-изматчилар эса 200 нафарга етди. Маҳсулотларимиз орасида миллий каштачилик буюмлари, айниқса, хариддоригр бўлмоқда. Бундан ташқари, корхонада устоз-шогирд аъёнаси йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда 30 нафар хотин-қиз тажрибали тикувчилардан ҳунар сирларини ўзлаштиряпти.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабатли билан таъкид қилинган «Хар бир фарзандга — меҳр-эътибор!» ҳафталиги доирасида Меҳрибонлик ва Муруват уйлари тарбияланувчилари, болалар мактаблар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида катта тадбир бўлиб ўтди.

АРДОҚДАСАН, БОЛАЖОН!

Хафталик давомида болалар учун истироҳат боғлари, табиатнинг сўлим гўшаларига, музей, театрлар, муқаддас қадимларга саёҳатлар уюштирилди, турли кўнгилочар тадбирлар, кўрик-танлов ва викториналар ўтказилди. Бундай тадбирларда болалар ўз иқтидорларини намойиш этдилар, спорт-соғломлаштириш мусобақаларида катнашдилар.

Иштирокчиларга санъат усталари ва болалар гуруҳлари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди. Тадбир доирасида болалар ўртасида таъкид қилинган кўрик-танлов, спорт бешлашувлари гўлибларига таъкид қилинган «Республика халқ таълими вазири» «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси бўлими вазири раҳмати билан бошқа бир қатор идоралар ва муассасаларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Б. ШАЙВАЛИЕВ.

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қарши шаҳрида «Karshi agrominitech Expo — 2009» халқаро кўргазма-савдоси ташкил этилди. Унда 20 та мамлакатнинг 70 дан ортиқ компаниялари ўз минитехнологиялари билан қатнашди.

Минитехнологиялар савдоси

Айниқса, мева, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, ун ва омихта ем тайёрлашга мўлжалланган ичимлик ускуналар, маҳсулотларни замонавий усулда қadoқлаш ва сақлаш технологиялари, богдорчилик учун кичик техника ва асбоблар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, иссиқхона жиҳозлари фермер ва ишбилармонларда катта қизиқиш уюғотди. Натيجида улар нуфузли хорижий компаниялар билан ўзаро муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Шунингдек, мазкур кўргазма-савдода Сурхондарё вилояти вакиллари ҳам иштирок этишди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Поп туманидаги «Маргизор» қишлоқлик тадбиркор Раҳматилла Рискаевнинг ҳамқишлоқлари учун замонавий гузар қуриб берди.

«Маргизор»нинг шинам гузари

Маҳалла кўрғиға кўрк бўлиб қўйилган ушбу масканда савдо дўконлари, гўзаллик салони, тикувчилик устaxonаси, алоқа ва компьютер хизмати кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Ҳозир бу ерда қишлоқнинг ўндан зиёд йиғит-қизлари меҳнат қилмоқда. Тадбиркор гузар худудида яна бир қатор кичик иншоот, жумладан, новвойхона, дорихона ва ёпиқ бозор барпо этишга аҳд қилган.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Вобкент туманида «Намуна альфа текс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Ойига ўн минг погон метр бўз

«Микрокредитбанк»нинг 200 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредити ҳисобига барпо этилган ушбу корхона буортмачи — «Пактасаноат» вилоят худудий бошқармаси тизимидаги корхоналар учун ойига ўн минг погон метр бўз етказиб беради. Ҳозир бу ерда ана шу маррарни забт этиш мақсадида 35 киши меҳнат қилмоқда. Жамиятнинг тайёр мато ишлаб чиқариш бизнес-режаси тула амалга оширилган, ишчилар сони 50 нафарга етди.

И. ИБРОҶИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР САРҲАДЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бразилияга қилган ташрифи ҳамда Испанияда тўхтаб ўтиши чоғида мазкур давлат раҳбарияти билан ўтказилган учрашувлар хорижий давлатларнинг сиёсий, эксперт-таҳлилий доиралари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Евроосиё китъаси доирасидаги алоқаларнинг аъёнасий соҳалари билан чекланиб қолмасдан, дунёнинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилаётган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатлари географияси кенгайиб бораётганига катта аҳамият берилмоқда.

«Би-Би-Си» бир қанча ахборотларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапир экан, у «Бразилия нефть қазиб олиш технологияларига кўп сармоя ажратди ва бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик самарали бўлиши мумкин. Шу билан бирга, иқлим ўзгаришларининг бугунги долзарб шароитида Бразилия Ўзбекистонга биологик ёнгилик ишлаб чиқарувчи замонавий технологияларни тақдиф қилиши мумкин. Айнан шу соҳада Бразилия ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакат» эканига эътибор қаратади.

«Би-Би-Си»нинг Бразилиядаги мухбири Фабрицио Пешотоннинг таъкидлашича, «томонлар қишлоқ ҳўжалиги, спорт, маданият, савдо, инвестиция ва геология каби кенг қамровли соҳаларни ўз ичига олган қатор битимларни имзолади».

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапир экан, у «Бразилия нефть қазиб олиш технологияларига кўп сармоя ажратди ва бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик самарали бўлиши мумкин. Шу билан бирга, иқлим ўзгаришларининг бугунги долзарб шароитида Бразилия Ўзбекистонга биологик ёнгилик ишлаб чиқарувчи замонавий технологияларни тақдиф қилиши мумкин. Айнан шу соҳада Бразилия ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакат» эканига эътибор қаратади.

Биз ва жаҳон

ва Бразилия ўртасида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг байئотларига бағишланган репортажнинг намойиш этди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг «Ташриф, асосан, кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосини яратишга йўналтирилган ва биз ушбу алоқаларни узоқ муддатли ҳамкорликни асос қилишга асос қилиш истади», деган мулоҳазаларини эфритга узатди.

Шунингдек, Бразилия Президентининг «Халқаро инкироз даврида мамлакатларимиз янги иқтисодий ва савдо географиясини барпо этишга катта ҳисса қўшишлари мумкинлигини намойиш қилди. Айни пайтда, биз глобал молия меъ-


морчилигини ислоҳ қилиш сари интилоқдамиз. Мен Президент Ислам Каримовнинг глобал банк ва молия тизимларини зудлик билан тубдан ўзгартириш зарурати мавжудлиги борасидаги катъий ишончига қўйилмаман», деган эътирофига эътибор қаратилди.

Репортажга берилган шарҳда, шунингдек, Президент Л. И. Лула да Силва мамлакатимизни Марказий Осидега стратегик ҳамкор деб атади экан, Ўзбекистонни Бразилияга қўйиш ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг Испанияга бўлган қисқа ташрифи ҳам Британия оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Британиянинг етакчи интернет агентликларидадан бири «Earth Times»нинг хабар беришича, «Ўзбекистон Президент Ислам Каримовнинг Кирил Хуан Карлос билан учрашув, шўбхасиз, савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга, иқтисодийнинг бир қатор муҳим тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қўмақлашди».

(Давоми 2-бетда).

Водийларни яёв кезганда...



2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган «Водийларни яёв кезганда...» саҳифамизда бу гал Навоий вилояти ҳақида ҳикоя қилишга аҳд этдик. Бунинг сабаби, Президентимиз таъкидлаганидек, «Навоий вилояти деганда, бағрида беҳисоб бойликларни — олтин ва қумуш дейсизми, мәрмар ва фосфорит дейсизми,


ЮРТИМИЗНИНГ ОЛТИН САНДИФИ

ати йўлида ишлатиш учун янги уфқ ва имкониятларни очиб берди. Бугун бутун жаҳонда молиявий-иқтисодий инкироз жараёни кечатганига қарамастан, фақат жорий йилнинг биринчи чорағида вилоят бўйича ялпи худудий маҳсулот ҳажми 4,1 фоиз (398,8 миллиард сўм), шу жумладан, саноат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш — 0,6, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 11,6, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари — 8,2, чакана савдо айланмаси — 15,5, хизматлар — 20,7, курил ишлари — 15,1, капитал қўйилмалар ҳажми эса 8,5 фоиз ўсишига эришилганини ҳисобга олсак, бу ерда барча соҳаларда изчил амал-

уран ва кварц дейсизми, феруза ва оҳақтоқ дейсизми — мухтасар айтганда, ўзида бутун Менделеев жадвалини мужассам этган саховатли бир заминни тасаввур этамиз. Албатта, бундай бойлик қар кимга берилмайди. Шунинг учун ҳам Навоий воҳасини Ўзбекистоннинг олтин сандиғи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

га оширилётган ислохотлар, хусусан, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, асосийси, кўп миллатли аҳолининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига савдо-



қати қутилган самарани бераётгани яқол намён бўлади. Биз вилоятга сафаримиз чоғида ана шу бунёдкор халқ томонидан Қизилқум саҳросида яратилган ҳақиқий мўъжизаларга яна бир қарра гувоҳ бўлдик.

4-бетга қаранг.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Эсон-омон қўндирилди

АҚШда "Southwest Airlines" авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти парвоз вақтида яшинга дуч келган.

Бу ҳақда "CBS 5" телеканал хабар тарқатди. Бахтсиз ҳодиса юз берган пайтда ҳаво лайнерида 53 киши бўлган.

Яна маблағ ажратишни сўради

Оқ уй маъмурияти мамлакат парламентиغا Покистон шимол-ғарбдаги қочқоқларга ёрдам кўрсатиш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратишни сўраб мурожаат қилди.

АҚШнинг Покистон ва Афғонистондаги махсус вакили Ричард Холбрукнинг Исламободда Покистон президенти Асиф Али Зардари билан ўтказган учрашувидан сўнг шундай фикрга келинган.

Тезкор чоралар лозим

Еврокомиссия вакили Жозе Мануэл Баррозу қитъада ишсизликка қарши зудлик билан зарур чора-тадбирлар қўрилиши лозимлигини айтиб ўтди.

Унинг таъкидлашича, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари минтақада ушбу муаммони бартараф этиш учун 19 миллиард евро (27 миллиард АҚШ доллари) миқдоридида маблағ ажратишлари керак бўлади.

Бундан ташқари, Баррозу минтақада ёшлар учун беш миллионга қўшимча иш ўрни ташкил этиш режасини ҳам ўртага ташлаган. Бу тақдир 18-19 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган Европа мамлакатлари етакчилари учрашувидида муҳокама этилиши кўтилмоқда.

Айни пайтда Европа Иттифоқи ҳудудидида ишсизлик даражаси 9,2 фоизга етган. Бу 1999 йилдан буюн энг юқори кўрсаткичдир.

Синовга дош беролмади

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз дунёдаги кўпгаб йиррик корхоналар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишга давом этмоқда.

Жумладан, фаолиятида йигирма йилдан буюн барқарорлик кузатилаётган "Air Lingus" авиакомпаниясига тегишли "Ryanair" компанияси (Ирландия) ҳам бу синовга дош беролмади. Маълумотларга қараганда, компаниянинг даромади 78 фоизга камайиб кетган ва у ҳисобот йилини 170 миллион евро миқдоридида зарар билан аяқлаган.

Таъкидлаш керак, "Ryanair" аввалги йили 105 миллион евро миқдоридида даромад кўрган эди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида 2009 йил 6 июль кунини соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилди!

Аукцион савдосига «Sagban Tekstile Enterprises LTD Co» ККни тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 24 мартдаги 10-0715/188-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда қредиторлар мажлисининг 2009 йил 19 мартдаги қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Sagban Tekstile Enterprises LTD Co» ККнинг мулкий мажмуаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 3 695 100 000 сўм. Ушбу мулкий мажмуа 2009 йил 6 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 9, 13 ва 16 июль кунлари соат 11.00 да ушбу мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Маъмур савдоларда қатнашган истагидидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчиси РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Саргон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов тумани, М. Урозбоев к., 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Официальный дистрибьютор предлагает со склада в г. Ташкенте котлы чугунные отопительные "КЧМ" РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

Тошкентда Ўзбекистон Шошилич тиббий ёрдам врачлари ассоциациясининг I съезди иш бошлади. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан шифо-корлар, етук мутахассислар, шошилич тиббий ёрдам бўлинмалари ходимлари ҳамда тиббиёт йўналишидаги ўқув ва илмий муассасалар вакиллари иштирок этмоқда.

ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ — БЕМОРГА МАЛҲАМ

Шунингдек, анжуманга Россия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Туркия, Ирландия, Хиндистон, Миср сингари йигирмага яқин давлатдан делегациялар ташриф буюрди.

Президентимизнинг "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизда аҳолига тезкор, сифатли ва кафолатланган тез тиббий хизмат кўрсатиш тизими тобора мукамаллаштирилмоқда.

Ун йилдан буюн фаолият кўрсатаётган Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг бугунги кунда ўн учта минтақавий, 173 та туман ва шаҳар бўлимига мавжуд. Ушбу муассасалар замонавий тиббий технологиялар, хусусан, даволаш ва диагностика ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, беморларга юксак ма-лакали тиббий хизмат кўрса-

марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, даволаш-таъхис жараёнлари юксак сифат босқичига кўтарилди, — дейди Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Е. Борисова. — Шу боис

аҳолининг тез тиббий хизмат ходимларига ишончи тобора ортиб бораёттир. Бугунги кунда "03" хизматига мурожаат қилиб, стационар ва амбулатор шарафидида даволанаётган беморлар 8 миллион кишидан зиёди ташкил этиб турганининг узвек фикримизни тасдиқлайди. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига янада улкан масъулият юқатиши табиий.

Анжуманда юртимиз мутахассислари ҳамда хорижий тиббиёт ходимлари юрак-ишемик хасталиклари, умуртқа ва орқа мия шикастланиши, кон-томир ва суюқ қўшма шикастланишлари, юрак трансплантацияси натижалари борасида ўзаро тажриба алмашишга эришди.


Анжуманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт Sport Спорт

«Бунёдкор» — қитъада иккинчи

Халқаро Футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг май ойидаги рейтингини эълон қилди.



Унга кўра, мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» Осиё футбол жамоалари орасида иккинчи ўринни (жаҳонда 72-ўрин) эгаллаб олди. Биринчи поғонада Осиё чемпионидаги турининг гулиби — Япониянинг «Гамба Осака» (жаҳонда 26-ўрин) жамоаси бормоқда.

Пойтахтимизнинг яна бир жамоаси «Пахтакор» қитъа жамоалари ичида туртинчи ўринда (жаҳонда 119-ўрин) қайд этилган. Дунёнинг сараланган 350 та футбол жамоаси орасида Фарғонанинг «Нефчи» клуби 249-ўринни банд этиб турибди. Шуниси муҳими, Юрий Саркисян шоғирдлари бу ойда 63 поғона юқорига кўтарилди.

Боксчиларимиз Осиё чемпионатида

Кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги Осиё чемпионатида иштирок этиш учун Хитойга жўнаб кетди.

7-13 июнь кунлари бўлиб ўтадиган қитъа чемпионатида Расул Жураев (48 кг.), Рафиқ Султонов (51 кг.), Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Хуршид Тожибоев (57 кг.), Баҳодир Мамажонов (60 кг.), Санжар Раҳмонов (64 кг.),

Ботир Маҳмудов (69 кг.), Аббос Атоев (75 кг.), Элшод Расулов (81 кг.), Жасур Матчинов (91 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+91 кг.) сингари тажрибали боксчиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида олтинчи тур учрашувлари якунланди.

Уч дуранг, уч галаба

Чемпионатнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида пешқадам бўлиб турган фарғоналик Нафиса Мўминова ушбу турда самарқандлик Ирода Ҳамроқулловани мағлубиятга учратиб, ўз ҳисобидида очколарини 5,5 тага етказиб олди. Олтинчи турнинг қолган учрашувлари қуйидагиларга якунланди: Мафтуна Жонқуллова (Сурхондарё) — Гулрухсор Эшонбоева (Тошкент вилояти) 1:0, Ольга Собирова (Тошкент шаҳри) — Озода Каримова (Навоий) 1:0, Умида Чоршанбиева (Қашқадарё) — Ирина Геворкян (Тошкент шаҳри) 0,5:0,5, Мафтуна Орзиқуллова (Самарқанд) — Нодира Нодиржоннова (Қашқадарё) 0,5 : 0,5, Хулқар Тоҳиржоннова (Фарғона) — Севара Боймуродова (Тошкент вилояти) 0,5 : 0,5.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Кеча пойтахтимиздаги "Intercontinental Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистонда сугурта ва қайта сугурта бизнесини ривожлантириш истиқболлари муҳокамасига бағишланган Тошкент Халқаро сугурта форуми ўз ишини бошлади.

СУГУРТА БИЗНЕСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда республикамиз вакиллари билан ташқари, Буюк Британия, Германия, Австрия, Франция, Швейцария, Польша, Болгария, Туркия, Россия, Украина, Қозғоғистон, Озарбойжон ва бошқа бир қатор давлатларнинг сугурта соҳасида фаолият юритувчи 200 дан ортиқ етакчи менежерлари ҳамда экспертлари иштирок этмоқда. Тадбир «SAIPRO» компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Сугурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ва «Kapital Sug'urta» сугурта компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай нуфузли анжуманинг айнан юртимизда ўтказилиши беҳиз эмас. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шарафидида Ўзбекистонда иқтисодийнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга ҳам эришилмоқда. Дунёнинг кўзга кўринган сибаси ва экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бундай ижобий натижалар Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналишлар бозор иқтисодиётига ўтишини ўзбек моделини амалга оширишининг ҳаётий ифодасидир. Булар нималарда намойён бўлмоқда? Бундай ижобий натижалар иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатланган суръатлари ҳамда макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодий тарихини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини ошириш бўйича узук муддатли масалаларни ҳал этишда кўзга аёқол ташланади.

Масалан, биргина хизмат кўрсатиш соҳасини олайлик. Бу борада ҳам тобора юксалиш кузатишмоқда. Агар 1991 йилда мамлакатимизда йилги ички маҳсулотда ушбу соҳанинг улуши 16,3 фоизни ташкил этган

гурталовчиларга бўлган муносабати ҳам ижобий томонга ўзгараётти. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон сугурта хизматлари бозоридида 30 та сугурта компанияси, битта қайта сугурталовчиларга бўлган муносабати ҳам ижобий томонга ўзгараётти.

2008 йилда мамлакатимиз сугурта компаниялари томонидан умумий миқдори 87,1 миллиард сўмлик ялпи муқофот йўналди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 18,3 фоизга кўпдир. Утган йил якунлари бўйича 14,2 миллиард сўмлик сугурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, мазкур кўрсаткич бир йил аввалги тўловлардан 62,9 фоизга ортиқдир. Яъни, шу вақт мобайнида сугурта тўловлари миқдори 3 баробардан кўпроқ ўсган.

Форум давомида иштирокчилар Ўзбекистонда сугуртанинг инвестицион имкониятлари билан батафсил танишдилар. Сугурта соҳасига миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Марказий Осиё минтақасининг сугурта бозорини халқаро сугурта ҳамжамиятига яқинлаштириш имкониятлари, сугурта бозорининг инфратузилмаси, шахсий сугуртада оммавий сугурта маҳсулотларининг ривожланиши истиқболлари ва бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилмоқда.

Бундан ташқари, анжуман доирасида совриндорларга «SAIPRO» компанияси ҳамда Ўзбекистон Сугурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Олтин соҳабон» муқофотнинг дипломларини тантанали топишиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу муқофот шаъно муқофоти бўлиб, ҳар йили сугурта ишони ривожлантириш соҳасида юқори натижаларга эришаётганларга тақдим этилади.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Форум

тинни рағбатлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ушбу жиҳат ҳам алоҳида эътиборга олинган ва зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 4 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, шунингдек, 2008 йил 21 майдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги қонуний ҳаётга татбиқ этилиши ҳам бу борадаги сайёҳаракатларнинг яна бир босқичи бўлди.

Айни вақтда юртимиз сугурта бозори тез ва барқарор суръатда ривожланмоқда. Унинг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Сугурта операциялари ҳажми мутасил ўсиб, сугурталовчиларнинг республика иқтисодиётидаги ўрни сезиларли даражада ортмоқда. Аҳолининг сугуртага, су-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ЯНГИ МУДАДАЛИ ДЕПОЗИТЛАР АМАЛГА ҚИРИТИЛГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: «КОСИЯТ» ● сақлаш муддати — 6 ой; ● фоиз ставкаси — йиллик 26 %; ● энг кам бадал суммаси — 500 минг сўм; ● фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан кейин тўланади, капиталлизация қилинмайди; ● омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди. «МУРУВВАТ» ● сақлаш муддати — 3 ой; ● фоиз ставкаси — йиллик 27 %; ● фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлизация қилинади; ● омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; ● бахтсиз ҳодисаларга қарши сугурта васиқаси олиш имконияти берилади. Айни вақтда банк АҚШ долларидидаги янги депозит жорий этилганини маълум қилади: «ШАБНАМ» ● сақлаш муддати — 6 ой; ● фоиз ставкаси — йиллик 9 %; ● энг кам бадал суммаси — 1000 АҚШ доллари; ● фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фоизлар тўланаётган вақтдаги курси бўйича сўмда тўланади; ● бахтсиз ҳодисалардан сугурта васиқаси олиш имконияти берилади. Хизматлар лицензияланган. Омонатларга пул маблағлари 2009 йил 1 августгача қабул қилинади. Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз! Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкинг ҳар қандай бўлими/филиалидан олишингиз мумкин. www.nbu.com

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 2009-2010 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентлар қабул қилишини эълон қилади: - машинасозлик технологияси; - автомобиль инжиниринги; - саноат ва аҳоли қурилиши инжиниринги; - архитектура ва саноат дизайни; - саноатда ахборот технологиялари ва АБТ; - энергетика. Университетда ўқитиш инглиз тилида олиб борилади. Хужжатлар 2009 йил 15 июндан 1 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича: математика (тест), физика (тест), логика (тест), инглиз тили (сўхбат ўтказиш) 5-17 июль кунлари ўтказилади. Турин политехника университети томонидан 1 июндан Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги олий таълим муассасаларида тайёрлов курслари ташкил этилади: - Тошкент шаҳрида: ТДТУ, ТАМИ - Қорақалпоғистон Республикаси, ҚДУ - Тошкент вилояти: ЮДПИ - Навоий вилояти, НавДПИ - Андижон вилояти, АндДУ - Қашқадарё вилояти, ҚаршДУ - Фарғона вилояти, ФарДУ - Сурхондарё вилояти, ТермДУ - Наманган вилояти, НамДУ - Сирдарё вилояти, ГудДУ - Бухоро вилояти, БухОБЕСТИ - Жиззах вилояти, ЖизДПИ - Хоразм вилояти, УрДУ - Самарқанд вилояти, СамДУ Битирувчиларга Италия Республикаси Турин политехника университети дипломи берилган. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган республика минтақаларидаги абитуриентларга темир йўл транспортга йўл ҳақи (икки томонга) тўланади. Тел.: 267-71-51, 267-71-60. www.polito.uz

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ 2009 йил 4 июндан 14 июнгача институтга тегишли бўлган, Юнусовод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 60-«А» уйда жойлашган бинони тўлиқ таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов (тендер) ўтказилади. Танловда қатнашувчилар қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин: 234-67-69. Тошкент молия институти маъмурияти.

МЧЖ шаклидаги «Alpine Tekstil» хорижий қорхонаси ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ «ZINGER» ва «OVERLOK» тўқув машиналари ишлаш учун ишга тақлиф этади. Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, Широқ к., 104-«А» уй, «ВАУТЕКС» тўқимачилик қорхонаси ҳудуди. Телефонлар: 248-53-48, 776-56-46. Ходимлар бўлими.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Истиқбол» телелойҳалар» студияси бош муҳаррири Абдуазим АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради. Тошкент молия институти жамоаси Математика кафедрасининг профессори Эгамназар Мамуровни укаси Раҳматулла МАМУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия нэхор этади. «Ёр-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси жамоаси уюшма раисининг ўринбосари Д. А. Раҳмановга волидан муҳтарамаси Ҳайитой ая ҚИЕМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИХЧАМ КОРХОНАЛАР — ТАЯНЧ КОРХОНАЛАР

Хабарингиз бор, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас.

Ҳар шундаки, ўтган йиллар таърибаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга бир қатор имтиёз ва кафолатлар, преференциялар берилаётгани натижасида иқтисодий таъминоти барқарор фаолият кўрсатишида бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг роли кескин даражада ошганлигини намойён этди.

Бу борада Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 22,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши натижасида жойларда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 159 та кўп, жами 482 та шундай субъект ташкил этилди.

— Шу ўринда бир ҳақиқатни очик айтишни истардим, — дейди Учқудук туманидаги "Учқудук иссиқ нон" хусусий корхонаси раҳбари Шукр Тилолов. — Республикаимиздаги барча тадбиркорлар қаторида бизнинг жамоамиз ҳам Президентимизнинг шу йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини зўр мамнуният ва манфаатдорлик билан қутиб олди. Ана шу ҳужжатта мувофиқ, аввало, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва jisмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш

учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Қолаверса, банкларда ҳисоб рақамларини очиб тўловлари камайтирилиб, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди.

Учқудук, биласиз, вилоят марказидан 300 қақирим олисда жойлашган. Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби бу шаҳарнинг ҳам нуҳед этилиши Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда Учқудукда ўз касбларининг усталари бўлмиш минглаб иши ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ноёб ва қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Ана шу меҳнат аҳлига, шаҳар ва туман аҳолисига кечаю кундуз иссиқ нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераётганимиздан мамнунизм, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз.

— Ўтган йили кузда "Учқудук иссиқ нон" хусусий корхонасига "TechnoFood Servis" фирмаси (Россия)нинг "Прима-100", "ТЗ-4М" ва "Муссон ротор-77" русумли ускуналари ҳамда минитехнологиялар келтириб ўрнатилган, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, сифати ҳам ортиб, таннархи анча арзонлашди, — суҳбатга қўшилиди учқудуқлик журналист Райхон Қодирова. — Бу аслида, ҳукуматимиз томонидан 57 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилгани шарофатидир.



Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги ривожига ривож кўриши, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Водийларнинг кезганада... яёв умидлининг иши унумли

ДАСТУР БАНДЛАРИ — ЭЗГУ ВАЗИФА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра, 2009 йилда НАВОЙИ вилоятида:

- аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражасини яхшилаш мақсадида бюджет ва фуқаролар маблағлари ҳисобидан 56 та қишлоқда 72,1 километрлик, "Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва санитарияси" лойиҳаси доирасида 40 та қишлоқда 235 километрлик сув тармоқлари қурилади, корхоналар маблағи ҳисобидан 22 та қишлоқда 49,3 километрлик сув қувурлари капитал таъмирланади, Қишлоқ тараққиёти жамғармасининг маблағи ҳисобидан эса 41,5 километрлик сув қувурлари ётқизиблиб, 5 та қудуқ қазилади;
- худудларда 24,9 километрлик ўрта ва паст босимли газ тармоқларини қуриш учун 143,5 миллион сўм маблағ сарфланади;
- 649 та хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилади;
- 7 та янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилади;
- 4 та деҳқон бозори қурилади;
- қишлоқ аҳолисининг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш мақсадида жами 17 та, шу жумладан, 8 та гишт, 4 та бетон маҳсулотлари, битта шифер ва 4 та бошқа турдаги қурилиш хом ашёси ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилади;
- 65 та иссиқхона ва 24 та паррандачилик фермаси очилади;
- 2100 тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи 8 та, терини қайта ишловчи 6 та, йилгига 3865 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 7 та, сут ва гўштини қайта ишловчи 29 та корхона бунёд этилади;
- қишлоқ жойларда 12 та балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шунча парранда маҳсулотлари сотадиган фирма дўкони қуриб битказилади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида:

- 11,3 километрлик ичимлик суви қувурлари ётқизиблиб, 6,5 километрлик сув тармоғи реконструкция қилинди;
- 10,8 километрлик табиий газ тармоғи тортинди;
- Томди туманидаги "Томдиқурилиш" корхонасида 4 та гишт, Нурота туманидаги "Рухона-Нуршоҳрух-Лола" хусусий фирмасида мрамар тахтачалар, Қизилтепа туманидаги "Файз инвест плюс" хусусий корхонасида қурилиш блоклари, "Бахтиёр-Дилмурод тонги" хусусий фирмасида пахта толасидан газлама, Учқудук туманидаги "Рўзи-Хўжам" хусусий корхонасида йилгига 300 тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;
- 3 та нон ва нон маҳсулотлари пиширадиган корхона ишга туширилди;
- 259 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохбаси қурилиб, фойдаланишга топширилди;
- қишлоқларда жами 6268 та, шу жумладан, касаначилик асосида 899 та янги иш ўрни ташкил этилди;
- ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида шу йил март ойида Нурота туманида 1265 гектар, Хатирчи туманида 2235 гектар майдонга маҳсар экинни экилди.

Буниси, албатта, ҳайратланарли эди.


Чунки биз касбимиз тақозоси туфайли қўллаб фермерлар билан учрашганимиз. Билганимиз, уларнинг айримлари таниш-билишчилик асосида катта миқдорда ер олган, бир неча йил мобайнида "Бу мулкни худонинг ўзи берди" қабилида иш юритиб, шартнома шартларини бажармаганлиги оқибатида эл-юрт олдида шарманда бўлган, пировардида эса махсус комиссия қарорига кўра, экин майдонидан айрилган. Сўхбат асосида аён бўлдики, уларнинг ҳеч бири фермерлик моҳиятини Исроил Мажидов сингари тушуниб етмагани, яъни ундай тўғри фикрлай олмагани ўзлари учун тушов бўлган экан... "Вағзони" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида у бошлик "Бахт макони" (номига эътибор беринг!) фермер хўжалигининг 66 гектар ери бўлиб, ана шу майдонлардан ҳар йили мўл пахта ва галла ҳосили олин-

моқда.

Чунки, ўтган йил деҳқончилик учун оғир келган бўлишига қарамастан, 44 гектар пахтазордан гектар хисобига 42,4 центнердан, 22 гектар галлазордан эса 60 центнердан ҳосил саранжомланди. Бунинг эвазига пахтачиликдан 100 миллион сўм даромад қўлга киритилган бўлса, галлачиликдан 13,5 миллион сўм даромад галлага тушиши билан бир қаторда 44 тонна дон жамога қолди. Боя биз "Фермер хўжалигининг номига эътибор беринг!" деганимизнинг боисини энди англагандирсиз? Ҳақиқатан ҳам, "Бахт макони" шу ерда эмасми? Табиийки, биз ана шу муваффақиятларга қайси омиллар ҳисобига эришилгани билан қизиқдик. — Жамоамизда 21 нафар киши ишлайди, — изоҳ берди Исроил ака. — Уларнинг ҳар бири иш жойларида, биринчи галда, қатъий интизомга риоя қилади, арготехника

ТУГИЛГАН ЖОЙИНГНИНГ ТУТУНИ ҲАМ АЗИЗ

Конимех туманидаги Учтепа қўрғонига бўлганимизда, шу худудга кираверишда ўрнатилган каттакон паннога "Одамга туғилган жойининг тутуни ҳам азиз" деган пурҳикмат ибора ёзиб қўйилганига кўзимиз тушди.



Огоҳон "Навоий-мевасабзавоттайёрловсаво" масъулияти чекланган жамияти директори Музаффар Тоиров айтган мана бу сўзларни эслдик: — Қизилқумнинг бөлбоғи деб аталувчи магистраль асфальт йўлнинг бикинида жойлашган Учтепадан Бухоро, Зарафшон, Навоий, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига йўл олган киши 250-550 километр масофани босиб ўтишига тўғри келади. Аймақчиманки, шундай олис худудда, сахро бағрида истикомат қиладиган инсон борки, ўзининг киндик қони тўкилган манзилнинг тутунини ҳам ёқими деб билиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бизнинг жамоамиз эса шу минтақа аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга интиломоқда. Дарҳақиқат, ушбу масъулияти чекланган жамият Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига маҳаллий шароитда етиштирилган мева-сабзавот, картошка, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ҳамда уларнинг ички эҳтиёждан ортган қисмини ташқи бозорларда сотиш орқали даромад топиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда ўтган даврда жамият бюджет муассасалари билан 456 миллион сўмлик 855 тонна фермер хўжалиқлари билан 50 миллион сўмлик 77 тонна мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Айни чоғда "Навоиймевасабзавоттайёрловсаво" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини янада кенгайтириш учун вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, аҳоли зич жойлашган даҳаларда энгил конструкцияли замонавий савдо дўконларини бунёд этмоқда, вилоят ва республика миқёсидаги ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш юзасидан шартномалар тузмоқда.



СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ САҲОВАТИ туфайли балиқ экспорт қилинмоқда

Бу вилоятда балиқчиликни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Худуддаги йирик "Ҳайдарқўл", "Тўдақўл" ва "Шўркўл" сув ҳавзалари ҳамда Зарафшон дарёси соҳилларида ушбу тармок билан шуғулланиш истагида бўлганлар сонини кундан-кунга кўпайиб бораётганининг боиси ҳам ана шунда.

уни алоҳида таъкидлаш кераки. 2003 йил 13 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингандан сўнг воқеада мазкур йўналишда салмоқли ишлар адо этилиб, сезиларли ютуқларга эришилди. Ҳозирги кунда бу ерда 17 та корхона балиқчилик билан шуғулланаётгани шундан далолат беради. Жумладан, "Ақва-Тўдақўл" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада 63 та фермер хўжалиги иш юритмоқда. Бу фермер хўжаликлари саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йили 1064 тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида барча сув ҳавзаларидан 511 тонна "луқмаи ҳалол" овланди. "Ақва-Тўдақўл" корхонасида қайта ишланган 36 тонна балиқ эса, ҳатто, Туркияга экспорт қилинди. Бунинг эвазига жамоа фазнасига 108 минг АҚШ доллари туширилди. Тармоқни ривожлантириш ишига вилоят табиати муҳофиза қилиш қўмитаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур қўмита қошида

"Туркум балиқ плюс" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган бўлиб, унга сунъий қўл барпо этиш учун "Ҳайдарқўл" сув ҳавзасидан бир гектар қуруқ ер, балиқ ва чавоқ етиштириш учун эса Зарафшон дарёси қирғоғидан 16 гектар майдон ажратилган. Айни кунларда ана шу худудларда қизгин иш олиб боришмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг февраль ойида "Қизилқум балиқ" давлат корхонаси ташкил этилди. Бу жамоа барча балиқчилик хўжалиқларига амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларни омихта ем, ас-

ишлайдиган 5 та цех ишга туширилади. Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Қизилтепа, Конимех ҳамда Нурота туманларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотадиган 12 та махсус дўкон фойдаланишга топширилади. Зеро, бу йил балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажминини 30-35 фоизга кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ҳар бир кишининг қалбига қувонч ва ифтихор туйғуларини бахш этадиган бундай ютуқлар вилоятнинг соғлиқни сақлаши, халқ таълими, спорт, маданият, қурилиш ва бошқа тизимларида ҳам ноз бермоқда. Ёшларнинг, Юртбошимиз алоҳида қайғ этганидек, алоқининг шаҳар, қишлоқ ва овулларида иштирок одамларнинг сиққидилан қиладиган меҳнати туфайли нимани яратилган ва яратилмаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қарам, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу билан оҳан эҳди улуғ ва энг азиз бағрамимиз — юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига арзистек меҳнат совғаларини тўхта этмоқда.

Икром ҲАҚИМОВ, Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА ақуни — 20.33 Топширилди — 23.15

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.